*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
6 ФЕВРАЛЬ 1969 й.
ПАЙШАНБА
№ 31 (795).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

*● Бир корхона янгиликлари*

## САЙЛОВЧИЛАР КЛУБИ

«Ўзбексельмаш» заводининг клубида сайловчилар клуби ташкил қилинди. Бу ерда ҳар куни сайловчилар билан газета ва журналлар ўқиш, сайловлар ҳақида, В. И. Ленин ҳақида суҳбатлар ўтказиш, доҳийнинг сўзлари ёзилган пластинкаларни тинглаш сингари қизиқарли тадбирлар олиб борилмоқда. Айни пайтда агитаторлар ишчи ва хизматчиларнинг оилаларида бўлиб, маърақали суҳбатлар ҳам ўтказмоқдалар.

Клубнинг ҳамма ишларига сайловчилар совети раҳбарлик қилмоқда.

## БЕКОР ЮРИШ КАМАЯДИ

Корхона меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш бўлимининг лабораториясида завод ички транспорт системасидаги меҳнатни янада яхшилаш борасида амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Марказий диспетчерлик ишини ташкил қилиш, машиналарнинг иш коэффициентини ошириш, маҳсулот ташийдиган аравалар бекор юришини камайтириш борасида диққатга сазовор ишни амалга ошириш масаласи қўйилган.

## ЎТИШ ЙЎЛИ

«Ўзбексельмаш» заводи олдидаги Жаҳон Обидова кўчаси билан темир йўл кесишган жойда ўтиш йўли қуришга қарор қилинди. Ўтиш йўлининг лойиҳасини «Ташгипротранс» институтининг ходимлари тайёрлашган.

Ўтиш йўли 10,5 метрликдир. Темир йўл остидан ўтадиган бу йўлнинг пиёдалар юрадиган йўлкаси кенглиги 3 метр бўлади.

## Эстафета китоби топширилди

Ленин район партия комитети ташаббуси билан тикувчилар маданият саройида «В. И. Ленининг 100 йиллиги олдидан» шиори остида химия-фармацевтика заводи ходимлари билан «Қизил тонг» фирмаси тикувчилари ўртасида қизиқарли учрашув кечаси ўтказилди.

Кечада химия-фармацевтика заводи вакиллари тантанали равишда фирма коллективига меҳнат эстафетаси китобини топширдилар. Сўнгра тикувчилар ва фармацевтлар бир-бирларига ёдгорлик буюмлари тақдим этдилар.

## Агитбригада—Тошкентда

Германия Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқи дўстлик ва маданий алоқа жамиятининг М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети қошидаги бўлими агитбригадаси Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш мақсадида Тошкентга келди. Студентларнинг қишки каникулида келган агитбригадаси орасида «Гелиос» эрлар вокаль ансамблининг қатнашчилари; немис ва совет студентлари; аспирантлари; университет химия факультетининг рақс ансамбли бор.

—Коллективимиз;—дейди рақс ансамблининг раҳбари Владимир Берувейг,— Софияда бўлиб ўтган ёшлар ва студентларнинг IX жаҳон фестивали қатнашчисидир. Программадаги «Рус совғаси», закарпатча «Муха», молдаванча «Ляна» каби номерлар ҳаммага манзур бўлмоқда.

Агитбригада қатнашчилари республика шаҳарлари бўйлаб қилган сафарида қадимий ёдгорликлар билан танишадилар, корхоналар, колхозлар, муассасаларда концертлар бериб, дўстлик кечалари ўтказадилар.

Ю



## НЕФТЬ ВА ХИМИЯ САНОАТИ УЧУН



Тошкентдаги Урта Осиё нефтни ишлаш саноати илмий-текшириш институти ходимлари нефть химияси учун бир қанча янги католизаторларни тайёрладилар. Бу янгилик корхоналарда резина ва янги кимёвий бирикмалар—елим, лак, изоляцион материаллар ишлаб чиқариш процессини корхоналарда тезлаштиришн мумкин.

СУРАТДА: синтез ва катализаторларни текшириш лабораториясининг мудири, химия фанлари кандидати А. Сафоев ва катта илмий ходим Р. Радюк иш пайтида (юқорида)

Унгда— лаборатория маҳсулотлари — катализаторлар.

И. Душкин фотоси, ЎзТАГ

## ИЛЬИЧГА БАҒИШЛАНАДИ

**Пойафзалчилар маданият саройидаги болалар рақс ансамбли Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ажойиб совға тайёрламоқда. Бу «Халқлар дўстлиги» деб аталадиган катта рақс сюитасидир. Уни Алишер Навоий номли катта академик театрнинг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Султонов саҳналаштирмоқда.**



Коммунистик меҳнат зарбдори токарь В. Маликов Тошкент электр техника заводининг пешқадам ишчиларидан бири. У смена ва ойлик топшириқларини мунтазам равишда 150 процентга етказиб адо этади.

СУРАТДА: В. Маликов.

В. Ломовцев фотоси.

## ЕТАКЧИ БРИГАДАЛАР

Ун ишлаб чиқариш цехидаги В. Нестребо бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг ишчилари бу шарафли номни оқлаб келишмоқда. Бригадада 24 киши ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз касбига меҳр қўйган илғор ишчилардан.

Бригада аъзолари ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаб, январь ойи топшириғини 115 процент адо этди. Икром Шокаримов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ҳам В. Нестребо бригадасига тенглашиб, 1-ун комбинатида етакчи ўринни эгаллаяпти.

## Қурувчилар ҳузурида

Чилонзор районидаги Глинэр номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлари қурилиш участкаларида, корхона ва муассасаларда тез-тез концертлар қўйиб беришади. Яқинда улар «Ташсантехмонтаж» қурилиш поезди бинокорларини ўз ашула ва рақслари билан хушнуд этдилар. Қурувчилар бу маърақли концерт қатнашчиларига чин юракдан ташаккур билдирдилар.

Маданият уйида В. И. Ленининг 100 йиллигига бағишланган тематик лекциялар ҳам тез-тез бўлиб турипти. Куни кеча бўлиб ўтган «В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти ҳар бир киши учун ўрнак» деб номланган лекция йиғилганларда ўчмас таассурот қолдирди.

— Маҳаллий Советларга сайлов куни яқин қолди,— дейди маданият уйи директори В. Ф. Горячев. — Шу сабабли агитаторлар билан ишлаш кенг йўлга қўйилган. Маданият уйида улар учун махсус суҳбатлар, лекциялар ўтказилиб турилипти. Бу суҳбат ва фикр алма шишлар ўз навбатида агитация ишига яқиндан ёрдам беряпти.

*● Шарафли унвон муборак!*

# ҚАЛБГА ҲАМДАМ

**●13 мингта операция ● Носир аканинг ҲИКОЯСИ ● Ўзбек врачларидан биринчи қаҳрамон**

Шифокор Носир ака кеча ишга одатдагидек барвақт келди. Шифохонанинг палаталарини айланиб, беморларнинг ҳол-аҳволларини сўради. Кўнгли бироз таскин топди шекилли ўз хонасига кирди. Бугунги қилинадиган ишлар, операциялар ҳақида хаёлларга берилди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Трубкадан аллакимнинг сўзлари эшитиларди...

У Чкалов номли Тошкент авиация заводи медицина - санитария қисмининг бош врачи Илёс Эргашев эди:

— Носир ака, чин қалбдан табриклаймиз, сизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилипти...

Шифокор илиқ, самимий сўзлари учун бош врачга миннатдорлик билдириб, трубкани қўйди. Шу пайт у ҳис-ҳаяжон, қувонч оламига қандай ғарқ бўлганлиги тасаввур қилолмади. Оддий ўзбек врачи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони билан мукофотланган бўлса! У газета саҳифаларига кўз югуртирар экан ўзига ишонмасди. Хонага бирин-сирин шифокорлар, врачлар кириб қаҳрамонни табриклашар, қутлашар эди. Бир пастдан кейин отахон шифокорнинг бағри гулларга тўлиб кетди.

Ҳа, Чкалов номли авиация заводи медицина санитария қисмининг бўлим мудири Носир Содиқович Ҳўжаевга СССР Олий Совети Президиумн совет халқининг соғлиғини сақлашда қилган катта ва самарали хизматлари учун «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони!» унвони бериш тўғрисида фармон чиқарди. У ҳукуматимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган 72 қаҳрамон врачларнинг биридир.

Носир ака Варшавани немис калхатларидан озод этишда. қатнашдн. Ғалаба хабарини Германиянинг Росток портида эшитдн. У Улуғ Ватан урушн йилларида 7 минг марта операция қилди. Унинг кўксидаги икки «Қизил юлдуз» ордени ва тўрт медаль фронтларда кўрсатилган жасорат ва мардлик ҳақида ҳикоя қилади.

Шундан кейин у Тошкентга қайтиб, республика акушерлик билим юртида директор, ТошМИда. 10-касалхонада хирур бўлиб ишлади. Ҳозирги пайтда завод станционарининг энг ҳурматли ва мўътабар врачи. Шифокор бугунги кунгача 13 мингта операция қилди.

Завод шифохонаси тажрибали врачлардан Курбон Латипов, Мария Фролкова, Хайриддин Ғуломов, Семён Бергман, Сергей Хникин, Евгения Осоковская ва бошқалар хизмат қилишади.



СУРАТДА: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, врач Н. С. Ҳўжаев.

Ю

— Ана шу ҳамкасб дўстларим ёрдамида, уларнинг иштирокида мен шундай обрў-эътибор қозондим. Мени элга танитган ҳам шу коллективдир,— дейди Носир Ҳўжаев.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, моҳир медицина ходими Носир Содиқович Ҳўжаев бир олам қувонч билан ишлаяпти. Шарафли йўлни босиб ўтган оддий ўзбек врачига қаҳрамонлик унвони муборак бўлсин.

А. ПЎЛАТОВ,
С. ЁҚУБОВ.

## ИТТИФОҚ ГАЗЕТАЛАРИДА

✦ Совет халқи сиҳат-саломатлигини сақлаш соҳасидаги катта хизматлари учун алоҳида ўрнак кўрсатган соғлиқни сақлаш ходимларига СССР Олий Совети Президиумининг 1969 йил 4 февралдаги Фармонига биноан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, уларга **Ленин ордени** билан бирга «Ўроқ ва болға» олтин медали топширилади.

✦ Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси қурилиш-монтаж, лойиҳалаш ташкилотлари, корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳамда хизматчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз зиммаларига 1969 йил учун оширилган социалистик мажбуриятларни олдилар.

## Об-ҲАВО БУГУН

ҳаво бироз булутли бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 3—5 даража совуқ, кундузи 4—6 даража иссиқ бўлади.



Асбобсозлик заводи коллективи мамлакатимиздаги кўпгина машинасозлик корхоналари учун турли диаметрдаги ноёб деталларни тайёрлаб бермоқда.

СУРАТДА: корхона фрез ишлаш цехининг зарбдор ишчиси фрезерчи Л. Нўғоева навбатдаги детални тайёрлаш устида ишламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

## Билимлар манбаи

СССР «Фан» нашриётининг «Академкнига» махсус магазинларини биладиган китобхонлар Тошкентда ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади. «Академкнига»нинг «Китоб-почта» бўлими ҳар доим қизғин ишлайди. Бу бўлимдан турли адреслар бўйлаб буюртмачиларга қизиқарли ва илмий адабиётлар юборилади.

Доимий харидорлар орасида Навоий қурувчилари, Кузбасс шахтёрлари, Бухоро чорвадорлари, Ленинобод химиклари, Марғилон атласчилари, Тошкент пахтакорларининг номларини учратиш мумкин.

Вчера

«Академкнига» нинг Тошкентдаги магазинларига Москвадан иккита контейнер келди. Уларда 5800 жилд турли хил китоблар бор. Улар СССР Фанлар академиясига қарашли институтларнинг илмий тўпламларидир.

*● Бугун маданият саройларида*

## Доҳий юбилейи олдидан

Темир йўлчилар маданият саройида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига ўтказилаётган тадбирлар диққатга сазовор. Ленинча ўқишлар, тематик кечалар, доҳий ҳақидаги фильмлар фестивали, махсус агитбригадалар ва концерт группаларининг мактаблардаги, темир йўл муассасалари ётоқхоналаридаги чиқишлари мунтазам равишда ўтказилиб турипти.

Куни кеча саройда махсус илмий коммунизм кабинети очилди. Кенг, ёруғ зал 48 кишига мўлжалланган. Бу ерда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг кўп томли асарларини олиб мутолаа қилиш мумкин. Бундан ташқари кабинетда доҳийнинг революцион фаолиятини ёритувчи китоблар ҳам қўйилган. Янги кабинетда Ленин районн агитатор ва пропагандистлари учун махсус илмий конференциялар, адабий кечалар, учрашувлар ўтказилади.

## Янги кўргазма

Кеча саройда «Ленин ва Шарқ» мавзусидаги янги кўргазма очилди. Иккита катта стендда 36 та ҳар хил асарлар қўйилган. Бу китоблар «Россия билан бирга», «Ленинизм байроғи остида», «Шарқда социализм машъали», «Ленин йўлланмаси билан» сингари бўлимларга ажратилган.

Кўргазмада Урта Осиё ва Қозогистон тарихчи ва публицистлари асарларига кенг ўрин берилган. Ш. З. Ўразаевнинг «В. И. Ленин ва Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши», Р. Х. Абдушукуровнинг «Октябрь революцияси, ўзбек социалистик миллатининг гуллаб-яшнаши ва унинг СССРдаги бошқа миллатлар билан яқинлашуви». Р. Қурбоновнинг «Аҳил оилада» сингари асарлари шулар жумласидандир.

Доҳийга бағишланган янги кўргазма кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортяпти.

## «Қор маликаси»

«1-пойафзал фабрикасининг маданият саройида «Пионер театри» анча вақтдан буён мавжуд. Улар шу кунларда Евгений Шварцнинг «Қор маликаси» эртак-спектаклини тайёрлаяптилар. Бу ёш артистлар ижро этаётган иккинчи спектаклдир. Улар тайёрлаган Е. Шварцнинг «Золушка» асари 1968 йилда муваффақиятли қўйилган эди.

Янги постановкага ёш томошабинлар театри артисти Георгий Цинкобуров раҳбарлик қиляпти. Малика ролини Чилонзор районидаги 90-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Люда Гусева ижро этади.

## чет элларда

### ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК

**Парижда Вьетнам халқи билан бирдам бўлган беш мамлакат: Америка Қўшма Штатлари, Япония, Италия, Швеция ва Франция вакиллари учрашдилар.**

**Учрашув тамом бўлгандан кейин эълон қилинган ахборотда бундай дейилади: учрашув қатнашчилари Вьетнам масаласи юзасидан Париж конгашида АҚШ делегациясининг позициясини бирдамлик билан қоралайдилар. Бу позиция Қўшма Штатлар ҳукумати ўз агрессиясини давом эттириш сиёсатидан ҳамон воз кечмаганлигини кўрсатади.**

**Айни пайтда учрашув қатнашчилари Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати томонидан тўрт пунктда ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти томонидан беш пунктда ифода қилинган таклифларни маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.**

**Беш мамлакат вакиллари АҚШ ҳукуматини агрессияни тўхтатишга кўндириш мақсадида, шунингдек Вьетнам халқи билан бирдамлик халқаро ҳаракатини ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатларида кураш янада авж олдириш чораларини кўришга қарор қилдилар.**

(ТАСС)

## НЬЕРЕРЕ БАЁНОТИ

Танзания президенти Жулиус Ньерере Эдуардо Мондлане ҳалок бўлганлиги муносабати билан эълон қилинган махсус мурожаатида африкаликларни Африканинг озодлиги ва мустақиллиги учун мустамлакачиларга қарши курашни кучайтиришга чақирди. Мозамбик Озодлик фронти партиясининг раиси Мондланенинг ўлдирилишини Танзания президенти Африкани озод кўришни хоҳлаган ҳар бир кишининг фожиаси, деб атади.

Кеча номаълум шахслар томонидан ташланган бомба портлаши натижасида мозамбик халқи озодлиги учун «тоқли курашчилардан бири Эдуардо Мондлане ҳалок бўлди. «Мондлане ўз ватанининг озодлиги учун жон берди. Унга хурмат-эҳтиром кўрсатишнинг энг яхши йўли,— деди Жулиус Ньерере ўз мурожаатида, — бу Африканинг озодлиги учун курашни кучайтиришдан иборатдир».



# ТАРАДДУД

**1870-1970**

Меҳнат Қизил байроқ орденли Қўйлиқ ремонт механика заводи республика «Сельхозтехника» бирлашмасининг таянч корхонаси ҳисобланади. Завод ишчилари республиканинг барча областларидан келган ремонт буюртмаларини бажаришади. Айниқса, пахтакор Фарғона, Андижон, Наманган областлари хўжаликларини заводга кўплаб буюртмалар олиб келишади. Ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилаётган завод ишчилари доҳий Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, дастлабки қувончли натижаларини қўлга киритишяпти.

Юбилей шарафига беш йиллик давомида 100 минг киловатт электр қуввати ва 150 тонна металл тежаш мажбуриятини олган завод коллективи ўтган йилда 25 минг киловатт электр қуввати ва 40 тоннага яқин металлни иқтисод қилди. Бундан ташқари, беш йилликнинг учинчи йилига белгиланган план муддатидан бир ҳафта илгари муваффақиятли бажарилди.

— Коллективимизнинг доҳий юбилейи шарафига бошланган меҳнат вахтасида, — дейди корхона партия ташкилотининг секретари Алексей Иванович Карасёв,— коммунистлар авангардлик кўрсатмоқда. Мотор цехи коммунистик меҳнат коллективи номини олган. Бу цехда ишлаётган шлифовкачи П. Бузоверов, слесарлар Т. Галиев, Т. Калменов, В. Муҳаммадёров ва бошқа коммунистлар меҳнатда пешқадамлик қилишмоқда.

Завод партия ташкилоти бундан бир йил илгари В. И. Ленин туғилган кунининг шонли 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳақида тадбирлар планини тузиб чиққанди. Бунда ишчилар бажарган буюртмаларининг сифатига эътибор янада кучайтирилди. Заводнинг 100 га яқин ишчиси энг яхши слесарь, токарь пармаловчи деган номни олиш учун конкурсда қатнашмоқда. Бу конкурсда айниқса, коммунистлар фаол қатнашмоқдалар. 62 коммунистдан 40 киши конкурснинг актив иштирокчисидир.

Коммунистлар ремонт ишларида барча эҳтиёт қисмлардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига корхонага фойда етказишда ҳам намуна кўрсатмоқдалар. Ремонт пайтида фойдаланилмайдиган ноёб эски қисмларни созлаш ҳисобига кўплаб зарур қисмлар тежалиб, корхонага иқтисодий фойда бераётир.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан ишчиларнинг барвақти дам олишига қулай имконият туғилди.

Завод ҳавескор овчилари секцияси раҳбари П. С. Шчербакин бошчилигида завод ишчиларидан 150 киши Чордарага балиқ овига, Чимёнга яхмалак отишга боришди. Самарқандга саёҳат уюштирилди. Саёҳатни ташкил қилишда завод касаба союз комитети аъзоси Александра Кухало ташаббус кўрсатди.

Бу йил 7 ноябргача инженерлик корпуси ва 50 киши бир йўла овқатланадиган ошхона биносини фойдаланишга топшириш планлаштирилган эди. Биноқорлар бу қурилиш объектини муддатидан илгари битказиш учун курашмоқда. Куи совуқ бўлишига қарамай завод ҳовлиси олдидаги бу объектда қурилиш ишлари жадал суръат билан олиб борилмоқда. Шунингдек, корхона ишчи ва хизматчилари учун 40 квартирали турар-жой биноси қурилишини ҳам тезликда битказиш чораси кўрилмоқда.

— Юбилей шарафига,—дейди завод партия ташкилоти секретари ўртоқ А. И. Карасёв,— корхонамиз территориясини гуллаб-яшнатамиз. 500 тўп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказишга жой ҳозирлаб қўйдик. Дам олиш кунлари коммунистлар ҳашар уюштириб, заводимиз территориясини қордан тозалашда ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

А. ҚУРБОНОВ.



СУРАТДА: Тошкент иссиқлик энергетика маркази қозон цехининг пешқадам машинистларидан Сергей Соприкин ва Любовь Игаева ўртоқлар иссиқлик берувчи қозон агрегатларининг нормал ишлашини кузатаётирлар.

*Олимлар лабораториясида*

# ЯНГИ БИРИКМА

Бутуниттифоқ трикотаж саноати илмий текшириш институтининг Тошкентдаги филиали трикотаж лабораториясида диққатга сазовор ишлар қилинаяпти. Бу ерда Ўзбекистон иқлимига мос келадиган кўриниши чиройли, чидамли ва арзон матоларнинг янги-янги турларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш устида ишланаяпти.

Лаборатория ходимлари тор доирада синовдан ўтказилган ишларини жойларга — ишлаб чиқариш корхоналарига бориб, амалий синовдан ўтказмоқдалар.

Масалан, Ашхабод шаҳридаги трикотаж фабрикасида эластика ва ип газлама бирикмасидан носкилар ишлаб чиқариб кўрилди. Уларнинг кўриниши чиройли, гигиена жиҳатидан қулай ва чидамлидир. Бу маҳсулот шу йилдан бошлаб кенг миқёсда ишлаб чиқарила бошланади.

# КРАНЧИ ҚИЗ

Свердлов қурилиш поездининг Чилонзорнинг 23-кварталидаги участкасида ҳар қанонгидай иш қизғин. На совуқ, на ёғаётган қор ишчиларнинг ғайратини бука олмайди. Кран пўлат из устидан аста ҳаракат қилмоқда. Прораб Леонид Иванович Попов қўлини бирбирига ишқалаб пешқадамлар тўғрисида гапира бошлади:

— Галя Чурляева энг яхши кранчиларимиздан. Галя ўз дугоналари билан Тошкентга бундан икки йил муқаддам келган. Нормасини ортиғи билан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

Галя Каменецк-Уральск билим юртини тамомлагач, ўзининг улкан крани билан Урал қурилишларида ишлади. Мана икки йилдирки, у Ўзбекистон пойтахтида қурилиш поездимиз тиклаётган уйларга ҳисса қўшмоқда.

# Катта режа

Яқинда 11-«Висотстрой» трестининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бунда партия хўжалик активлари, илғор бригада ва участка бошлиқлари иштирок этишди. Йиғилишда трест коллективи бу йил бажарадиган ишлар муҳокама қилинди.

Коллектив 19-қаватли бино қурилишида иштирок этяпти. Бу бино пойтахтимиздагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда ягона кўп қаватли биноди р. Трест бинокорлари жуда катта ва масъулиятли ишларни амалга оширишлари лозим. Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг маъмурий биноси, Санъатшунослик институти ва бир қанча турар жой биноларини фойдаланишга топширишдек улуғвор вазифа коллектив зиммасида турибди.

Трестда янги техника ва ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Шу боисдан давлатнинг 3 минг сўм пули тежаб қолинди. Бундан ташқари 60 тонна металл, 105 кубометр ёғоч-тахта, 600 тонна цемент ҳамда ғишт материаллари тежалди. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш давом этади. 250 қурувчининг разрядлари оширилади. Қурилиш-монтаж ишлари бўйича давлат плани шу йилнинг 25 декабрида тўла адо этилади.



Тошкентдаги «Авторемприбор» заводининг меҳнат аҳли беш йиллик топшириқларини муваффақият билан адо этмоқда.

СУРАТДА: заводнинг ёш зарбдор ишчиси электр слесарь Ранса Маҳсумова.

М. Нуриддинов фотолари.

*• Ишлаб чиқариш ва реформа*

# КОРХОНАМИЗ ШАЙЛАНГАН

**• 613 минг сўм даромад • Рағбатлантириш фонди—93 минг сўм • Ўғил-қизлар учун янги модалар**

ФАБРИКАМИЗ ва болалар сарафанлар, халатлар ва бошқа хил болалар кийим-кечаклари тикиш учун ихтисослаштирилганига тўрт йил бўлди. Бу кийим-кечаклар асосан учта тикувчилик цехида тайёрланади.

Ўтган йили жунли матодан ўқувчилар формаси (кўйлак ва фартук), олдинроқ эса хотин-қизлар ва болалар учун ипакли кўйлак ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар 1968 йилда ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотимизнинг 70 процентини ташкил этиб, салмоқли ўрин эгаллади.

1968 йилги маҳсулотларни улгуржи баҳода реализация қилиш плани 105 процент бажарилди. Планда белгиланган 7150 минг сўмлик ўрнига 7750 минг сўмлик тикилган буюмлар реализация қилинди.

Фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Ўтган йилги социалистик мажбуриятни коллективимиз барча кўрсаткичлар бўйича тўла-тўкис ва оширибадо этганлиги фикримизнинг далилидир.

Йиллик план муддатидан бир ҳафта олдин бажарилиб, пландан ташқари 80 минг сўмлик ўрнига 170 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот реализация қилиш плани муддатидан 15 кун илгари бажарилди ва пландан ташқари 250 минг сўмлик ўрнига 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини янада механизациялаш, ишлаб чиқаришга илғор технологияни жорий этиш, меҳнатни илмий ташкил этиш, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлар тажрибасини оммалаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 2 процентга ошириш белгиланган эди. Бу тадбирлар эвазига меҳнат унумдорлиги 13.6 процент ошди. Маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан 26 минг сўм қўшимча иқтисод қилинди. 65 та янги модель ишлаб чиқаришга жорий этилди ва ҳоказо.

Корхона ишлаб чиқаришни планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янгича усулида бошқаришга ўтишга тайёргарлик кўриш 1966 йилнинг IV кварталида бошланган эди. Бу тадбир 1967-1968 йилларда ҳам давом эттирилди. Биз ишлаб чиқаришни янги методда бошқаришга ўтиш учун тайёргарлик ишларини маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир вақтда олиб бордик. Тайёргарлик кўришда барча ҳисоб-китоб ишлари амалий равишда ишлаб чиқилди. Фабрикани янгича методда ишлашга ўтказиш тўғрисида Енгил саноат министрлигида бир неча бор рухсат сўралган бўлсада, бу масала министрлик томонидан ҳамон ҳал этилмай келаётир.

Тикувчилик корхоналарида тайёрланган товарларни тарқатишда ягона баҳо йўқлиги сабабли шундай корхоналар ҳамон ишлаб чиқаришни планлаштиришнинг янгича методига ўтказилмаган. Ҳозир Бутуниттифоқ нарх-наво комитети иттифоқ бўйича ана шу проблемани ҳал этиш устида иш олиб боряпти. Тикувчилик корхоналари шу йил июль ойидан янгича методда ишлашга ўтказилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш комплекс тадбирларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Булар — ишлаб чиқаришда планлаштиришни такомиллаштириш ва корхонани бошқариш каби тадбирлардир. Бу тадбирлар орасида айниқса фабрика ички хўжалигини ривожлантириш муҳим роль ўйнайди.

Корхонамизнинг асосий цехларидан бири —2-тикув цехи ҳозир ана шу тадбирларни жорий этиш арафасида. Бунинг учун барча сарф-ҳаражатларнинг нормативлари бор, ишлаб чиқаришнинг моддий асослари биркитиб қўйилган, цех ҳаражатларига кетадиган маблағлар белгилаб чиқилган, хўжалик ҳисобида ишлайдиган цехнинг иш натижаларини аниқлаб берадиган кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Кейинчалик барча цехларни хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказиш мақсадида ҳар бир цех учун алоҳида ҳаражатлар сметаси ишлаб чиқилмоқда.

Изланишлар натижасида ўтган йилнинг 9 ойида 93 минг сўмлик рағбатлантириш фонди тўпланганлиги аниқланди. Жумладан, ишчи хизматчиларни моддий рағбатлантиришга 74 минг сўм, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши учун 13.3 минг сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига 5.7 минг сўм тўпланди. Лекин, тўпланган бу фондлар корхона янгича методда ишлашга ўтказилмаганлиги сабабли давлат даромад бюджетига ўтказилди.

Коллективнинг бу йилги режалари ҳам катта. Ҳозир фабрика ёш қизлар учун ёз мавсумида киядиган икки хил чиройли чўмилиш ансамбли ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Савдо тармоқларидан шундай кийимлар учун ҳозироқ 10 мингта тайёрлаб бериш ҳақида буюртма олинди.

Шунинг билан бир вақтда чийду хобадан ўқувчи қизлар кўйлаги тайёрлаб чиқариш устида ишланмоқда. Бу моделлар Модалар уйининг катта советида кўрилди ҳамда республика Енгил саноат министрлиги ва Маориф министрлиги томонидан тасдиқланди.

**Г. Б. АДАЛОВ,**
3-тикувчилик фабрикаси директори.

# ЯНГИ ИНСТИТУТ


3 февралда СССР Медицина Фанлари академияси умумий йиғилишининг йиллик сессиясида Киши органлари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш институти ташкил қилиниши маълум бўлди. СССР Медицина Фанлари академиясининг президенти В. Д. Тимаков мана шу хусусда ТАСС мухбири билан қилган суҳбатда қуйидагиларни маълум қилди:

— Маълумки, ҳозир киши органлари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш проблемасига жуда катта аҳамият берилмоқда. Баъзи бир ҳолларда касал орган шундай мушкул аҳволга тушиб қоладики, бемор ҳаётини қутқариб қолмоқ учун шу органни алмаштириш ниқоятда муҳим ва ҳатто зарур бўлиб қолади.

Медикларнинг эътибори юрак, буйрак ва шу каби жуда муҳим органларни кўчириб ўтказишга жалб этилган. Юракни кўчириб ўтказиш муваффақиятли чиқиши учун ҳаддан ташқари катта қийинчиликларга дуч келиш проблем эканлиги ҳаммага тушунарлидир. Бундаги қийинчилик органлар ва тўқималар ёт сезилиши билан алоқадордир.

Ҳозирги вақтда биз органларнинг бир-бирини ёт сезиши енгиб ўтилиши мумкин, деган маълумотларга эгамиз. Ҳозирча бу масала тажриба ҳолатида экан, шу соҳадаги тадқиқотларни кенг миқёсда авж олдириб юбормоқ зарур. Мазкур проблеманинг қанчалик муҳим эканлигини назарда тутиб, махсус институт ташкил этишга қарор берилди.

Биз бундай институтнинг ташкил этилиши мана шу соҳадаги тадқиқот ишларини кенгайтиришга ҳамда ёт сезиш ғовини йўқотиб, энг муҳим органлар ва тўқималарни кўчириб ўтказишда ижобий натижаларга эришувимизга имкон берувчи энг янги методларни ишлаб чиқишимизга ёрдам беради, деган умиддамиз.



Мана бу 225 квартирали улкан бинони қардош Бошқирдистон биноқорлари шаҳримизнинг Марказ-5 микрорайонида бунёд этмоқдалар. Р. Абдураҳмонов фотоси.

# ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙЛИК

«Ташсельмаш» заводининг бош йиғув цехидаги пахта териш машиналарига ишчи аппаратларини тайёрлаш участкаси ишчилари кўп йиллар давомида анча қийинчиликлар билан ишлаб келдилар.

Чунки, цехдаги аппаратларни узатиш конвейери жуда ҳам қисқа бўлиб, кўплаб ишчи кучи талаб қиларди. Участкага ёрдамчи цехлардан ҳам ишчилар жалб қилинарди.

Эндиликда бу қийинчиликларга барҳам берилди. Йиғув участкасида аппаратларни етказиб берувчи янги конвейер ишга туширилди. Чидамли подвескалар ўрнатилиб, уларнинг сони 35 тага етказилди. Бу тадбир натижасида ёрдамчи ишчилардан фойдаланилмайдиган бўлинди ва меҳнат унумдорлиги бир ярим ҳисса ортди. Суткада бош конвейердан илгариги 24 та ўрнига 35 тадан «зангори кема» туширилиб, қабул пунктига жўнатиляпти.



# „ВЕТЕРОК“ ЯНГИ САВДО ПАВИЛЬОНИ

ТОШКЕНТ. «Ўзбекбирлашув» савдо жиҳозлари заводи Москва типидаги «Ветерок» савдо павильонларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Унинг 3—4 сотувчига мўлжалланган зали бўлиб, жуда қулай. Павильондан ошхона ўрнида ҳам, саноат мол лари магазини ёки озиқ-овқат магазини ўрнида ҳам фойдаланиш мумкин. Завод бу йил ана шундай павильонлардан 160 тасини ишлаб чиқа ради.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) тайёрлов участкасининг мастери Тургун Шораҳмедов бошқариш пульти олдида. Унга—ишчи Фатхулла Умурзоқов маҳсулотларни яшчикларга жойлаяпти.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).



*• Бир хат изидан*

# ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН

**Ҳурматли редакция! Навоий кинотеатрида бирор қизиқ фильм қўйилгудек бўлса, билет топилмайдиган, олиб сотарлар бирни иккига сотадиган бўлиб қолди.**

**Кино залда ҳам тартиб йўқ. Кимдир ҳуштак чалади, кимдир товуши борича бақиради. Бу ҳол кўпинча кинолентадаги узилганда содир бўлади. Бу ерда қачон тартиб ўрнатилар экан?**

**Қ. ЗОКИРОВ,**
**Пахта саноати марказий илмий тадқиқот институтининг катта техниги.**

Хатни ўқиб чиқдигу, Навоий номли кинотеатр томон йўлга чиқдик.

Мана, биз кинотеатр биноси олдидамиз. «Сангам» фильми ўзбек тилида кўрсатилаётган экан. Бино олдида беш-ўн башанг йигит уёқ-бу ёққа аланглаб турибди.

— Билет керакми?—одамлардан аста сўрашади улар.

— И-е, кассада йўқми?

— Э... қаёқда дейсиз.

Шундай қилиб, олиб-сотарлар нинг иши юришиб кетаверади.

Кино залга кирдик. Томоша муддатидан ўн минут кейин бошланди. Унгача залда қийқириқ, бақириқ, ҳуштакбозлик давом этди. Кино бошланиб 20 минут ўтмаёқ кино лентаси узилди. Ҳалиги ҳуштакбозлар полни тепиб шунақаям шовқин солишдики, қулоқлар қоматга келди.

Бундай ҳол томоша охиригача яна бир неча бор такрорланди. Баъзи томошабинлар кино тамом бўлмаёқ залдан чиқиб кетишди. Чунки улар шовқин-сурондан безор бўлган, бу ҳам етмагандек совқотиб қолишган эди.

Кино тугагач, директор ҳузурига кирдик.

— Олиб сотарлар кўпайганига аминман,—дейди кинотеатр директори Асомиддин Ғиёсов,—уларни ушлаб огоҳлантиряпмиз...

— Ҳўш, кимлар ушлаб огоҳлантирилди?

— Ҳмм... мен сизга айтсам, биз тутганлар ҳақиқий олибсотарлар эмас, шунинг учун исми-фамилиясини ёзиб олмай, бир-икки оғиз гапириб қўйиб юборди к

— Ленталарни нг тез-тез узилиб туришига, залнинг ниҳоятда совуқлигига нима сабаб?

— Эҳе... укам, иш бор ерда камчилик бўлади... Лентани узилиши рост, залнинг совуқлиги ҳам.

Директор шундай деб тўрганидан кейин бу ерда тартиб ўрнатилиши ҳақида қандай гап бўлиши мумкин!?


**Р. ХЎЖАМОВ.**

# «ҚАЧОНГАЧА»

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА босилгандан кейин**

Газетамизнинг ўтган йили 22 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган хабарда Чилонзор районидаги Соҳибкор. Хумдонсой, кўчалари электр чироқлари билан ёритилмаётгани, ёнғингарчилик вақтида эса юриб бўлмайдиган даражада лой бўлиши кўрсатилган эди.

Чилонзор район коммунал хўжалиги бўлимидан жавоб олинди. Унда кўрсатилишича, газетада кўрсатилган танқидий мулоҳазалар тўғри деб топилган. Соҳибкор ва Хумдонсой кўчаларида электр чироқларини тартибга солиш тўғрисида тадбир кўрилди. Шу йил ичида бу кўчаларга асфальт ётқизиш масаласи ҳам қараб чиқилади.



Греков номли ҳарбий рассомлар студиясининг ҳайкалтароши Виктор Сонин «В. И. Ленин» барельефи устида ишламоқда. У В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигида Северо-морск шаҳрига ўрнатилади.

Суратда: ҳайкалтарош В. Сонин «В. И. Ленин» барельефининг ишчи модели ёнида. Л. Иванов фотоси, АПН

*Намунали оилаларимиз*

# ОТА-БОЛА ШИФОКОРЛАР

Ярим кечада онанинг ҳарорати ошиб, кўнгли айний бошлади. Онасининг оғир аҳволини кўрган Тоҳиржон нима қиларини билмай, шошиб қолди: «Тез ёрдам» чақирсаммикан, ё бўлмаса Зикрилла ака уйига борсаммикан, ҳа Зикрилла ака уйига боришим керак».

Тоҳиржон югуриб уйдан чиқди. Гулсума опа тўхтовсиз ўқчир, юзларидан оқаётган қора тердан ёқалари жиққа ҳўл бўлиб кетганича ўғлининг келишини бетоқатлик билан кутарди.

Тўхтовсиз жиринглаётган қўнғироқ овозидан чўчиб уйғонган Зикрилла ака елкасига тўнини ташлаганича дарвоза томон юрди. Тоҳиржан воқеани билиб олгач, икковлон олдинма кейин Гулсума опа қошига етиб келдилар.

Зикрилла ака уйда ис борлигини пайқагач, Тоҳирга дарҳол дераза ларини очишни буюрди. Ўзи эса Гулсума опага юрак фаолиятини оширувчи доридан укол қилди ва қатиқ ичирди. Бир оз вақт ўтар-ўтмас Гулсума опа юзига қон югуриб, ўзига келди ва шифокорнинг етти пуштига олам-олам таҳсинлар айтди.

Она-бола чексиз ҳурсанд, шифокор эса ўз касбидан фахрланганича уйига қайтаркан, йўл-йўлакай отасининг: «Ўғлим ташвишдан қўрқмаган кишигина шифокор бўла олади»,— деган сўзларини яна бир бор эслади.

Ҳа, ҳақиқатда шифокорликдек ташвишли ва фахрли касб бор дунёда? Шифокор учун кеча ҳам, кундуз ҳам, қишнинг қаҳратони ва ёзнинг жазирама иссиғи ҳам бирдай.

Зикрилла ака Эгамбердиевнинг инсон саломатлиги йўлида ишлаётганига ҳам мана 30 йил бўлипти, шу давр ичида бу моҳир шифокор минглаб беморларга шифо бахш этди.

Зикрилла ака бундан 30 йил муқаддам Тошкент Давлат медицина институтини имтиёзли диплом билан тамомлагач, институт рентгенология кафедрасида аспирант қилиб қолдирилди. Республикамизда ўзбек рентгенологларидан бирорта ҳам кадр бўлмаган шу дамларда Зикрилла ака ўз устида тинмай ишлаб, ижодий изланди. Фашист босқинчиларининг Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бошлаган ҳужуми ҳам ёш олимнинг режаларини амалга оширишига халақит бермади.

Зикрилла ака фронт йилларида фашистларга қарши курашиш билан бирга рентгенология бўйича илмий ишларини давом эттирди. У «Бош мия жарохати ва уни даволашда рентген нурларининг моҳияти» деган темада 1957 йили Москвада кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Шундан кейин Зикрилла ака турли ҳарбий округ госпиталларида рентген бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. У бой тажрибалари асосида мақолалар ёзиб, республика матбуоти саҳифаларида ёритиб борди. «Гулистон», «Фан ва турмуш» ва «Саодат» журналларида унинг кўплаб мақолаларини, «Умр боқийлик сири» китобчасини ўқигансиз.

1967 йили Рентгенология, радиология ва онкология илмий тадқиқот институтининг ходимлари Зикрилла акани тантанали равишда пенсияга кузатиб қўйган эдилар. Лекин у халқ учун хизмат қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билиб, яна шу коллективда қолиб ишлашни лозим топди.

Ҳозирги кунларда ҳам Зикрилла ака шу ерда хизмат қилаётир.

Республикада хизмат кўрсатган шифокор Зикрилла Эгамбердиев шифокор ва педагоггина эмас, балки фарзандларини давримизга муносиб кишилар қилиб тарбиялаган меҳрибон ота ҳамдир. Унинг тўнғич қизи Зуҳра опа Тошкент Давлат медицина институтининг педиатрия факультетини тамомлаб, шаҳримизнинг 7-болалар санаторийсида ишламоқда. Зуҳра опа медицина фанлари кандидатидир.

Ўртанча қизи Зарифа опа ота касбини улуғлаганлардан. У ҳозир микробиология-эпидемиология илмий текшириш институтида масъул ходима. Зарифа опанинг ҳам кандидатлик илмий иши якунланишга етай деб қолди.

Отанинг кичик қизи Фотима медицина техникумини тамомлаб, дорихонада ишламоқда.

Ўғли Абдуллажоннинг медицина техникумини тамомлаб, рентген техник бўлиб ишлаётганига ҳам мана тўрт йил бўлай деб қолди. Яна бир ўғли Ҳусанжон эса, инженер-педагог. У политехника институтини имтиёзли диплом билан тамомлади ва шу институтда ишга қолдирилди. У бир йил давомида кўплаб бўлғуси инженерларга таълим-тарбия бергач, Ватан олдидаги гражданлик бурчини адо этиш учун Совет Армияси сафига хизматга кетди.

Қаранг ҳақиқатда ҳавас қилса арзийдиган бу бахтиёр оиланинг ҳамма аъзоси давримизнинг муносиб кишилари бўлиб етишибди.

«Илғор» маҳалласида бирор киши бетоб бўлиб қолса, илк тиббий ёрдамни Зикрилла ака оиласидан олади ёки улар маслаҳати билан иш тутиб, тезда дардига шифо топиб кетади.

«Илғор» маҳалласидаги жамоатчилик асосида ишлайдиган дорихона ҳам Зикрилла ака ташаббуси билан ташкил этилган эди. Ҳозир бу ерда шифокорлар оиласи аъзолари навбат билан аҳолига хизмат қилишади.

13 минг кишилик «Илғор» маҳалласи аҳли доимо хизматларига тайёр турган Зикрилла Эгамбердиев оиласидан беҳад ҳурсанд.

Э. ЖЎРАЕВ.



Ангара дарёсининг чап соҳилида кўп қаватли оқ бинолар қад кўтарди. Бу Иркутский академиясининг маркази — Ғарбий Сибирдаги фан форпостининг корпусидир. У ерда СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Ғарбий Сибирь филиалига қарашли саккизта илмий текшириш институти ишлайди.

Яқинда қурувчилар олимларга Ер қобиғи институти биносининг калитларини топширдилар.

Суратда: Ер қобиғи институтининг кичик илмий ходими Зинаида Ушаповская лабораторияда.

Э. Брюханенка фотоси, ТАСС фотохроникаси.

# ҚАЛБ САДОСИ

## ТАҚРИЗ

Севги инсоннинг энг олий туйғуси. Инсонни инсон қилган ҳам шу севги. Агар севги бўлмаса дунё ғариб ва мунгли бўлиб қоларди, одамни оёққа турғизган ҳам, одамни одам қилган ҳам ана шу севгининг кучи!

Талантли шоир Сайёр бу мавзуда кўплаб лирик шеърлар, бир неча прозаик асарлар муаллифи сифатида кенг китобхонлар оммасига танилди. Унинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти босиб чиқарган «Ўттиз ёшим» номли достонлар китоби ҳам шу мавзуга бағишланган. Китобга унинг бешта поэмаси киритилган.

«Бошсиз ҳайкал» достони икки ёшнинг пок севги-муҳаббатини тараннум этишга бағишланган. Бу туйғу лирик қаҳрамоннинг дўсти ҳайкалтарош йигитнинг ички кечинмалари, характери мисолида берилади. Шоир достонда севги-муҳаббатда беқарор бўлган олифта ёшларнинг фожиасини тасвир этади. Севгига енгил-елпи қараган, ҳаётда адашиб одамлар эътиборидан қолган қиз образини яратади. Лирик қаҳрамоннинг дўсти ҳайкалтарош ўз севги садоқат рамзи сифатида вафодор қизнинг тимсоли бўлсин деб тошдан ҳайкал ясайди. Бироқ бу ҳайкал эмас, балки севгида беқарорлик қилиб кетган ўша қизнинг қиёфаси эди.

Ўша ҳайкал бу,

Ўша поймол севгидан ёдгор дейди шоир изтироб чекаётган йигит тилидан. Йигит бу ҳайкалда ўз асарини эмас балки ўша қизни тирик кўраётгандай бўлади. Ҳайкалтарош қизнинг ҳайкалини яратади-ю, изтироб билан унинг бошини синдириб ташлайди. Достон муаллифи бу ўринда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини драматик тарзда тўлқинланиб тасвирлайди.

Шоир поэманинг композициясини пухта ишлаган. Йигит изтироб ҳам асаб устида ҳайкалнинг бошини парчалаб ташлагач ўша йигитнинг севгилиси «Гулгун юзига гард бўлиб қолган, ўзўзининг бебошлигидан ўзига нафрати ошган» ўша Раъно кириб келади. Бошсиз қиз ҳайкали ўзи эканлигини дилдан сезиб, мулзам бўлиб қолади. «Ёшлик қилдим, мени кечир» деб юз таъзим қилса-да, йигит унга қиё боқмайди. Чунки энди вақт ўтган эди. У залдан ўз қилмишига тавба қилиб чиқиб кетади. Шоир ёвл тақдири ҳақида шундай дейди:

Аёл кетди,
Аммо ҳар дилда,
Бир орзиқиш, бир армон қолди.
Аёл кетди, кетди бевафо,
Шарпа каби изсиз йўқолди.
Аёл кетди ортида аммо,
Ҳар юракда бир вафо қолди.

Сайёр ҳаёт билан нафас олади. Асримиз, Коммунистик партия чақирикларига муносиб асарлари билан жавоб беради. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, уни гулгун «оқ олтин» водийсига айлантириш ҳақидаги ҳаёт чақириғига жавоб сифатида шоир «Зафар достони»ни ҳадя этди. Анча катта ҳажмга эга бўлган бу достонда республикамизда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, унда актив иштирок этаётган жасур йигит ва қизларнинг бунёдкорлик меҳнати, севги-муҳаббати тараннум этилади.

«Даҳрий» достонида ҳам автор ана шу севги-муҳаббатни яна қаламга олади. Фозил исмли халқ қаҳрамонининг пок севгиси ватанпарварлигини ҳаётий лавҳалар, ёркин картиналарда тасвирлайди.

««Солдат онаси» достони фарзандининг ота-она ва Ватан олдидаги бурчи ҳақида ҳикоя қилади. Бу поэмада ҳам ота-она Ватан ва бурч масалалари олға сурилади. Шоир ҳар бир фарзанд ўзи туғилиб ўсган Ватанга ҳақиқий гражданин бўлиши керак, дейди. Бу ғоя унинг «Ўрок ва болға» достонида янада чуқурроқ ифода этилади.

Достонда ишчи билан деҳқон ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муҳаббат билан тасвирланган. Буни «Пахтакор» машинасининг капитани Мунисхон ва пахта териш машинасининг конструктори Ҳуршид мисолида яққол кўриш мумкин. Поэмада икки синф ўртасидаги самимий дўстлик, пок инсоний муҳаббат муваффақиятли ҳал этилади. «Зафар» достони жуда ўқимишли, характерларга бой. Бироқ поэма бироз чўзилиб кетган. Сюжет линиясига алоқадор бўлмаган ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, табиат стихиясига бўронга жуда кўп ўрин берилган. Бу Зафар кечинмасида ҳам Чаман туйғуларида ҳам учрайди. Шамол, бўрон довул деярли ҳар бир бўлимда такрорланади. Табиат стихиясини бир ўринда айтиб, унинг ўрнига бошқа қизиқ воқеалар киритилганда асарнинг ғоявий мазмуни, бадиий қиммати янада ошган бўлур эди.

Ижодкор изланишда жузъий камчиликларга йўл қўйиши табиий. Бундай кичик камчилик ва нуқсонлардан қатъий назар Сайёрнинг «Ўттиз ёшим» поэмалар китоби Ўзбек совет поэзиясига мукосиб ўрин тутади. Ҳали шоир бундай ижодий гулдасталарни жуда кўплаб тақдим этишига ишончимиз комил!

**Ашурали АҲМЕДОВ.**

## Яна иғвогарлик

АММОН. Иордания қуролли кучлари вакили исроил самолётц 3 февралда Иордания осмонига яна икки марта бостириб кирганлигини хабар қилди. Исроил қирувчи самолётларининг икки группаси иғвогарлик мақсадида Иорданиянинг шимолидаги ҳарбий қисмларга ҳужум қилди. Зенитчилар икки самолётни уриб туширишди. (ТАСС).

## ЛЮКСЕМБУРГНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ЛЮКСЕМБУРГ. (ТАСС). Бу ерда Люксембург янги коалицион ҳукуматининг состави эълон қилинди. Янги ҳукумат составига Христиан социал халқ партиясининг тўрт вакили ва демократик партиянинг уч вакили кирди.

Христиан социал халқ партиясидан Пьер Вернер ҳукумат раиси, давлат министри ва молия министри лавозимини эгаллади. Ташқи ишлар министри лавозимига демократик партиянинг раиси Гастон Торн тайинланди. У айни пайтда маъмурий ишлар ва ислоҳот ишлари, физкультура ва спорт ишлари министри ҳамдир.

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

ЛАГОС. «Совет давлатининг асосчиси, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ва улуғ интернационалист» В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги Нигериянинг ҳамма қисмида тантанали байрам намойишлари билан нишонланди. Нигерия—Совет дўстлиги ва маданий алоқалар уюшмасининг Кадуна шаҳрида бўлиб ўтган Умумнигерия миллий конференцияси пунктдаги қарор қабул қилди.

(ТАСС).



Варшавaликлар шаҳар деворлари остида гитлерчилар ўқидан ҳалок бўлган кишиларни сира унитишмайди.

## ҚАЙҒУЛИ СТАТИСТИКА

ТАНЖЕР. (АПН мухбири). Танжерда нашр этилаётган Испания газеталари биринчи саҳифаларда ўз мамлакатларининг ўтган йилдаги рекордлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилмоқдалар. «Испанияга чет эллик 14 миллион турист келиб кетди!» «Испанияда апельсин ҳосили 1 миллион 800 минг тонна бўлди!» Бироқ халқнинг турмуш даражаси ҳақидаги кўрсаткичлар эълон қилинмаяпти. Лекин бу тўғридаги статистика мавжуд.

Ҳозирги вақтда Испанияда 4 миллион ерсиз деҳқон бор. Булар оилалари билан бирга 12 миллион кишини, яъни барча қишлоқ аҳолисининг 40 процентини ташкил этади. Шунинг 5,5 миллион испан деҳқонининг 50 минг йирик катта ер эгасиникига қараганда ики ярим марта камроқ ерга эга эканлиги ҳам диққатга сазовордир. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг кейинги вақтлардаги аҳволи майда ер хўжаликларининг тез суръат билан вайрон бўла бориши, йирик помешчик хўжаликларининг эса ўсаборини билан характерланади. Ҳар йили вайрон бўлган ёки қашшоқлашган 150 минг деҳқон иш қидириб қишлоқни ташлаб кетмоқда.

Кейинги маълумотларга қараганда ҳозир Испаниядан четда унинг 4 миллион киши си яшаяпти. Булар асосан ўз ватанида ортиқча бўлиб қолган кишилардир. Чунки Франко режими уларни иш билан таъминлай олмади. Ўтган йили юз минг киши мамлакатни ташлаб кетди. Бу ҳам Испаниянинг йиллик рекорди — қайғули рекорди.

**В. КАТИН.**

## Э. МОНДЛАНЕ ҲАЛОК БЎЛДИ

ДОРУССАЛОМ. 4 февраль. (ТАСС). Мозамбик Озодлик фронти партиясининг раиси Эдуардо Мондлане ҳалок бўлганлиги бу ерда расмий суратда эълон қилинди. У ўзининг иш кабинетида номаълум шахслар ташлаган бомбанинг портлашидан ҳалок бўлди.

Эдуардо Мондлане Мозамбикдаги африкаликлар аҳолининг Португалия мустамлакачиларига қарши, Африкадаги ана шу мамлакатнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилаётган куролли курашнинг таниқли раҳбарларидан бири эди.

## Янги шеърлар

### ТАБАССУМ

Қўнармиди сулувлик юзга,
Узинг чаппар урмасанг агар,
Лабдан юзга, юзлардан кўзга,
Учиб-кўчиб турмасанг агар,
Узга шайда этолмас чеҳра,
Гул бўлса ҳам сенгсиз ҳеч қачон.
Фақат сенинг билан гулчеҳра —
Гўзалликка ёр бўлган инсон.
Қайга борсам фақат сен билан,
Кўзларимга боқмиш ёронлар.
Қайга борсам фақат сен билан,
Кўнглимга хуш ёқмиш ёронлар.
Шул сабабдан ошноман,
Ошно,
Тарк этмасанг — бахтга етганим.
Сохталикка юз тутсанг аммо,
Минг бор афзал кулмай ўтганим!

### АЖАБМАС

Чол чордона қуриб ўтирди
Узоқларга тикиб кўзларин,
Ана, хаёл суриб ўтирди,
Гоҳо силаб сертук юзларин,
Соқоли оқ, сочлари оппоқ,
Ажин босган кенг-мўл манглайин,
Иякка қўл тиралди, демак,
Яхши бир гап айтмоғи тайин.
Кел, ҳа, тингла қулоқ тутиб жим,
Чол сўзлари дардингга дармон.
Ажабмас, бир суҳбати, дўстим,
Бутун йўлинг этса чарогон.

Абдуалим КАРИМОВ.

# ЭШИКНИ КЎРСАТИБ ҚЎЙИШДИ

Яқинда Перу Олий суди яна киларнинг «Интернэшнл петролеум компани» («ИПК») деб аталган нефть компаниясининг даъвосини рад қилди. Бутун халқ бу қарорни маъқуллади. Бу қарор перуликларнинг ўз иқтисодий озодлиги учун курашида катта принципиал аҳамиятга эга деб қаралмоқда.

Гап шундаки, Рокфеллернинг «Стандард ойл оф Нью-Джерси» деган қудратли монополиясининг филиали бўлган бу компания инклар мамлакатидаги ўз объектларини, чунончи Брea ва Париньясдаги нефть конларини, Талардаги нефть ишлаб чиқариш заводини ва бошқа иншоотларини национализация қилиш ҳақидаги декретни бекор қилишни талаб эди. Уолл-Стрит вакиллари национализациялашнинг «қонунсизлиги»ни исботламоқчи бўлиб аслида мамлакатни таслим бўлишга мажбур этмоқчи бўлдилар. Рўй берган жанжалга АҚШ давлат департаменти аралашди. Тазйиқ қилишнинг барча воситалари ишга солинди, банкларнинг Перуни қарз олишдан маҳрум қилиш ҳақидаги дўқлари, чет эл давлатларига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунга «Хикенлупер тузатишларини қўлланилишининг мумкинлиги ҳақидаги «огоҳлантиришлар» (бу тузатишлар АҚШ гражданларини уларга карашли бўлган хусусий мулклардан маҳрум қилувчи ҳар қандай ҳукуматга молиявий ёрдам беришни тўхтатишни кўзда тутади) бошланди.

Бироқ Перу ҳукумати «Интернэшнл петролеум компания»-хирлигига нисбатан энг бошидаёқ аниқ ва ҳаққоний позицияни эгаллаган эди. Национализация республиканинг ажралмас ва суверен ҳуқуқи, Перунинг ички ишларига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, бу национализация мамлакатдаги мавжуд қонунларга мувофиқ равишда ўтказилди, деб жавоб берилди. Ривожланиш министри генерал Альберто Мальдонаф Яньес бу иш Перунинг жуда муҳим «ички иши» ва унга дипломатик аралашув ўринсиздир деб очиқдан-очиқ айтди.

Рокфеллер монополияси адвокатларининг бу ишни гўё Рокфеллер мулкини қандайдир «мусодара қилиш» деб кўрсатиш учун уринишлари ҳам асоссиздир. Маълумки «Интернэшнл петролеум компания»га унинг Брea ва Париньясдаги нефть конларидан қонунсиз равишда узоқ йиллар давомида фойдаланиб келганлиги учун Перуга тўламай қолган солиқлари ва жарималаридан тўпланган қарзларни ҳисобга олган ҳолда компенсация таклиф қилинган эди. Бу қарзлар эса оз эмас —974 миллион долларни ташкил этади. Шу муносабат билан Перу ҳукумати ўз томонидан Олий судга батафсил ҳужжатлар топширди. Натижада Перу эмас балки «Интернэшнл петролеум компани» қарздор эканлиги маълум бўлди.

Халқ томонидан қўллаб-қувватланаётган ҳукумат «Интернэшнл петролеум компани» объектларини национализация қилиш масаласидаги ўз принципиал ва ватанпарварлик позициясини ўзгартириш ниятида эмас. Яним. ларнинг «Хикенлупер тузатишлари»ни қўлланиш ҳақидаги империализм тазйиқи ва дўқларига келганда республика президенти генерал Хуан Веласко бу тазйиқ ва дўқларга муносиб жавоб қайтарди.

«Перу,— деди у.— сал сустроқ халқларни очлик ва қашшоқлик ёрдамида намситиш учун мўлжалланган «тузатишлар» олдида бош эггандан кўра ўлишга тайёр. Биз бу «тузатишлар»га қарамай ўз келажагимизни кўрамиз».

Перу халқининг ўз келажаги, ўз бойликларига ўзи хўжайинлик қилиш учун олиб бораётган кураши Латин Америкасидаги халқлар томониданги на эмас, балки бутун дунё халқлари томонидан ҳам тушинилди ва қўллаб-қувватланди. Қадимги инклар мамлакатининг тараққиёти ва тўла иқтисодий озодлигини истаётган совет кишилари ҳам бу курашга ҳайрихоҳдирлар.

**Ю. ГВОЗДЕВ.**
(АПН).

# Сирханнинг илжайиши

Нью-Йорк. (АПН мухбири). Сенатор Роберт Кеннединнг ўлдирилишида кўп сир бор. Аммо ҳозир Сирхан устидан бўлаётган суд ҳақида ёзаётган журналистларни ҳеч нарса унинг илжайишидек банд қилмаётган бўлса керак.

Мантиқан қараганда ўзини газ камерасида ўлим кутаётган киши судда мутлақо ўзини тинч тутмоқда ва ҳатто илжаймоқда. «У нима учун илжаяди экан-а?» деб савол беришади журналистлар ва бунга жавоб топиолмайди. Дастлаб кимдир илжайиш руҳий касалликдан далолат бериб турибди деб фараз қилди. Лекин бу оддий изоҳни рад этишга тўғри келди. Чунки врач экспертизаси Сирхан мутлақо соғ деб тасдиқлади.

У биринчи марта округ прокурорининг ўринбосари Фиттс суд маслаҳатчиларига тергишли саволларни бераётиб уларнинг биридан—«Ай-Би-Эм» компаниясининг ёш техниги дан: «Агар сиз бу иш учун ўлим жазоси берилиши керак деб топсангиз, «Сирхан сиз газ камерасида ўласиз» деб айтиш учун ўзингизда етарли куч топа оласизми?» деб сўраганида илжайди.

Шу вақтгача ёш техникка диққат билан қараб ўтирган Сирхан айни шу чоқда илжайди.

— У сизнинг устингиздан кулаяпти.— деди Фиттс техникка,— мен у бутун суд давомида ҳам кулади деб ўйлайман.

Шунда Сирхан прокурор ёрдамчисига тикилиб эътироз билдирди:

— Мен сизнинг устингиздан ҳам куляпман, мистер Фиттс.

—Бу тўғри, — деб қўшилди Фиттс,— у кулади...

Одатдагидан бошқачароқ бўлаётган бу судда ғалати саволжавобларни эшитиш мумкин. Сирхан бир куни эрталаб залга кирганч. стол ёнида ўтирган ўз оқловчиларидан бири Эмиль Золя Берманни кўрди. яна илжайиб қўлини қимирлатди ва баланд овоз билан:


— Салом Зут! Ишлар қалай?—деди.

У халққа томон тезтез ўгирилиб илжайиб қўяди. Баъзан унинг ўзигагина маълум бўлган фикрлар оғушида кўзини юмиб илжаяди.

Қотилнинг илжайиши журналистларни безовта қиляпти.

Сирхан кун сайин ўзини хотиржамроқ ва ишончлироқ ҳис қилмоқда. Буни ҳамма сезиб турибди. Аммо гап қимадалигини ҳеч ким айтолмайди.

**Генрих БОРОВИК.**



Замбия пойтахти — Лусакада шаҳар кутубхонасининг биноси.
С. Куликов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

## Н. СИТОЛЕ УСТИДАН СУД

ДОРУССАЛОМ. Солсберида Родезиядаги Африка аҳолиси миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Ндабаниге Ситоле устидан суд бошланди. Ситоле суд ва сўроқсиз уч йил турмада ётган эди. Ирқчилар режими томонидан тақиқланган Зимбабве Африка миллий иттифоқи партиясининг раҳбари «мамлакатдаги мавжуд режимга қарши фитна кўтариш»да айбланади

Эндиликда «қонун асосида» ўтказила бошланган бу суддан кузатилган мақсад — Зимбабве миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарини қатл этишдир

Африка ватанпарварларининг яна бир йирик партияси — Зимбабведаги африкалик аҳоли иттифоқининг раҳбари Жошуа Нкомо ҳам бир неча йилдан буён мамлакатнинг чеккасидаги қамоқ лагерларидан бирида суд-сўроқсиз азоб чекиб ётибди.

(ТАСС).

## ҚИЗ ВА КАТОРГА

НЬЮ-ЙОРК. Америке ҳарбий денгиз кучларининг медицина ҳамшираси Сьюзан Шэлл беш йилгача бўлган муддат билан каторга ишларига юборилиш хавфи остида қолди.

Сан-Франциско ҳарбий трибунали 25 ёшдаги Сьюзанни «офицер номига тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракат»да айблади.

Сан-Францискодан хабар беришларига қараганда, ҳарбий денгиз кучлари лейтенанти Сьюзан Шэлл АҚШнинг Вьетнамдаги урушига қарши норозилик юришларида қатнашган ва урушга қарши ёзилган варақаларни самолётдан кемаларга ва АҚШнинг Тинч океани соҳилидаги районларидан биридаги ҳарбий иншоотларга ташлаган.

# Тарова




Кеннет РИД,
австралия этнографи

ТАРОВАНИ биринчи марта папайи солинган саватни кўтариб ҳужрам эшигига келганда кўргандим. Ёш қизларда бўладиган уятчанлик, қатъиятсизлик юзидан кўриниб турарди. У менга керагидан ортиқ папайи келтирган экан. Ҳузуримда ўтирган отаси унга танбеҳ берди. Тарова меваларни қайтиб саватга солмоқчи бўлганди, мен ҳаммасини оламан, деб тўхтатдим. Шу кундан бошлаб Тарова то турмушга чиққунича мунтазам равишда папайи келтириб турди.

Мен қуйида шу тўй ҳақида гапириб бермоқчиман.

«Табиат қўйнидаги ибтидоий одамларнинг ҳаёти» Сусурока қишлоғидаги папуасларнинг чахуку қабиласига келгунимга қадар ҳам ажойиб бўлиб кўринмасди. Лекин папуаслар орасида бир неча йил яшаб, уларнинг ҳар бирининг ҳаёти, урф-одатлар ва таъқиқлар билан чегараланганини кўрдим.

Бу таъқиқлар шу билан қўрқинчлики, уни бузган киши қабиладан ҳайдалади. Қабиладан ташқари эса инсон ожиз—унга табиат ҳам, инсонлар ҳам қарши бўлади. Таъқиқлар ҳар хил бўлади: овқатда, машғулотларда, никоҳда таъқиқ бўлади. Охиргисида ким билан, қандай турмуш қуриш чегаралаб қўйилган. Бунга қатъий риоя қилинади. Чунки бу одатни бузиш, авлоднинг ҳалок бўлишига олиб келади, деб ҳисоблашади.

Тарова билан танишганимда, аниқ айтиш қийин-у, лекин қиз ўн икки ёшларда эди. Таровадан нур ёғилиб турганини ўзим ҳам сезгандим. Ҳамроҳим—қўшним Бихорнинг тўнғич ўғли Гохус кинокамерамни ғурур билан кўтариб борарди. Қуёшнинг иссиғини оз бўлса-да, майинлаштирадиган шамол Гохайякага кираверишдаги охирги дарахтларнинг баргини силкитарди. Гохайяка «5» шаклини ташкил этувчи узундан-узоқ кўчалардан иборат қишлоқ эди. Қишлоқнинг бир бошида туриб охирини кўриб бўлмасди. Баланд бамбук дарахти остида дастлаб ҳеч кимни кўрмадим. Кейин буталар орасида нималардир қимирлади. Чиғаноқдан қилинган тақинчоқлар яркираб кетиб, диққатимни ўзига тортди.

Булар уч ёшлар чамасидаги ўғил бола ва жингалак сочли қиз бола эди. Улар мени кўришмаганди. Жингалак соч қиз нималардир дерди. Бола бошини кўтарди ва мени кўриб қолиб қўрқувдан қичқирганча юзини опасининг майда ўрилган сочлари орасига яширди. Қизча болани маҳкам қучоқлаб таҳдид қилаётган хавф томонга ўгирилди.

Мен Тарованн дарров танидим. Кўзлари қўрқувда катта очилган, оёқлари қочишга тайёр эди. Зум ўтмай у рўпарасида менинг турганимни, ҳеч қандай хавф таҳдид қилмаётганини тушунди. Унинг юзи кулгидан ёришиб кетди.

Кейинги ойларда Тарованн тез-тез кўриб турдим. У ҳали ёш бола эди, шунинг учун у билан суҳбатлашиш осон эди.

Тарова ва унинг дугоналарининг ўн икки ёшида ўғил болаларга нисбатан иши кўп эди. Улар оналари ва оталари билан эрталаб полизга ишлагани кетишар, кечқурун эса нозик гавдаларига оғирлик қиладиган юкни билумга солиб орқалаб келишарди. Қизлар ёш укаларига қарашарди. Уларнинг ташвишсиз ажойиб ёшлиги ўн ёшга етгач тугарди. Қишлоқни шовқинга тўлдирган, анҳорларда чўмилаётган болалар орасида ўн ёшдан ошган қизлар кўринмасди.

Бизнинг танишувимиз бир ярим йилдан ортиқроққа чўзилди. Лекин мен Тарованинг тортинчоқлигини енга олмадим. Орамизда дўстона муносабат вужудга келди. Бу фақат саломлашишдан иборат эди. (Кўпинча у ишлаётган полиз ёнидан ўтаётганимда биз бир-биримизнинг исмимизни айтиб чақириб саломлашардик). Шу оддийгина муносабатдан қизга нисбатан меҳрим ошди ва унинг қишлоқни қандай шароитда тарк этганини мени қаттиқ ҳаяжонга солди.

Ҳаммаси қандай бошланганини яхши эслайман. Ҳар куни гидан кечроқ туриб кийинаётиб, очиқ эшикдан ташқарига қарадим. Девор олдида менга орқасини ўгириб, кўчага тикилиб турган қўшним Хуторнони кўрдим.

Кўчадаги одамлар ҳам Хуторни қараган томонга тикилиб туришарди. Мен Хуторнони чақириб, бир гап бўлганга ўхшайди, тинчликми, деб сўрадим. У гама қабиласидан бир неча киши келганини, келин сотиб олишмоқчилигини айтди. «Кимни?»—деб сўрадим. У елкасини қисиб, аниқ билмайман, лекин қўлларидаги ёғочни Намурининг уйи олдига қўйишди деди.

Мен Хуторно ёнига келдим. Бу ерда никоҳ қандай ўтишини аввал ҳам кўрганим учун, ҳозир кўчада рўй бераётган воқеалар бўлакча мазмун касб этди. Ҳовлимни ўраган девор ёнида ўн иккитача киши йиғилди. Гамалар келганда аёллар полизга бормоқчи бўлиб туришганди. Энди улар эркаклардан нарирокда туриб ўт илдизларидан билдми, фартук ва бошқа нарсалар учун мато тўқидилар. Кўчанинг нариги бетида кўринишларидан гама қабиласига мансуб олти нотаниш киши ўтирарди. Оқсоқол Макис ҳозиргина бир боғлам баргни ёши улуғ меҳмонининг олдига қўйди —яъни уларни тамаки билан меҳмон қилди. Уларнинг нима мақсадда келганларини билдирувчи ёғоч Намурининг уйига яқин жойга ерга тиқиб қўйилган эди. Бу ёғочнинг узунлиги 2 метрча бўлиб, бир учига қизил мато ўралган, устига 2 қатор чиғаноқ қадалган эди.

Намурининг ўзи эрталабоқ полизга кетганди. Ҳозир чақириб келгани одам юборишди. Мен гамалар қайси қизни танлашдийкин, деб уйлай бошладим.

Намурининг қизи йўқ эди. Папуасларда совчилар қизнинг ота-онаси билан бевосита гаплашмайди. Совчилар қабиладаги бошқа кишилар билан битишаверадилар. Чунки қабиладаги хотин-қизларнинг тақдирини эркаклар ҳал қилади.

Қисқа қилиб айтганда, меҳмонлар Намури уруғидаги қизга совчи бўлиб келишган. Буни мен дарҳол пайқадим. папуаслар эса ҳатто қайси қиз узатилишини ҳам билишарди.

Намури меҳмонларнинг олдига югуриб келди-да ҳар бирининг елкасини уқалаб қўйди. Ҳатто баъзилари билан қучоқлашиб кўришди. Кейин меҳмонлардан нарироққа ўтиб ўтирди. Улар суҳбатлашиб, ҳазиллашиб, хохолаб кулиб ўтиришди. Лекин асосий масалага ўтишга шошилишмасди. Умуман нима мақсадда келганларини айтишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Келин учун бериладиган қалинни билдирувчи ёғоч рўпарада турарди. Гаманинг гахуку билан дўстлиги, душманга қарши курашда биргаликда кўрсатган жасоратлари ҳақида совчиларнинг кексаси гап бошлади. Бу гапларга унча эътибор бермай калаванинг учини йўқотиб қўйдим. Чунки меҳмонларнинг энг ёши ўрнидан туриб ёғочни Намурининг кулбаси деворига суяб қўйганида ва қолганлари йўл тараддудига тушганларида нима гаплигига тушинолмай қолдим.

Намури меҳмонлар кўздан йўқолгунча жойидан қимирламади. Чамамда гамаларнинг ташрифи уни қувонтирмаганди. Қишлоқ аҳли ҳам нималандир ташвишда эди. Шовқин-сурон кўтарилди. Эркакларнинг бири қалин боғланган ёғочни елкасига қўйиб совчилар кетидан кетди.

Мекисининг ёнига келиб. Намури қалинни қайтарганини билдим. Бу одатдаги бир ҳол эди. Чунки қизнинг қариндошлари биринчи таклифни рад этиш билан қалинни кўпроқ олишга ҳаракат қилардилар. Биринчи таклиф рад этилгач, совчилар эртасига қизнинг бошқа қариндошиникига боришади. Баъзида қалинни қайтариш орага совуқчилик тушишига сабабчи бўлади. Чунки бир уруғ иккинчи уруғга қиз бергиси келмаяпти, деган фикр ҳам туғилиши мумкин.

Бир уруғга мансуб бўлганларнинг турмуш қуриши ман этилади. Шунинг учун ҳам қизлар бошқа уруғга келин бўлиб, кўшни қишлоқларга узатилади. Мен турган қишлоқдаги аёлларнинг ҳаммаси бошқа қабилалардан бўлиб, уларнинг асосий қисмини гамалар ташкил этарди.

Қишлоқда совчиларнинг яна қайтиб келишига шубҳа қилишмасди. Мен Макисдан кимни узатишмоқчи, деб сўрадим. У ноаниқ қилиб, Таровани бўлса керак, деди. Мен қулоқларимга ишонмадим. Ахир Тарова эндигина 12 ёшга кирган-ку. Мен бу фикримни Макисга айтган эдим. у қабиламизда Таровадан бўлак бўйи қиз йўқ, бизнинг қабила гамага қиз қарздор, деди. (Гахуқуларга бир қиз ортиқ узатилган экан). Мен Таровани ота-онаси узатишга рози бўлармикин, деб сўрадим. У ҳеч нарса билмаймаи. ҳозир фақат гаплашиляпти, эртага совчилар келганда, одамларнинг фикрини биламиз, деди.

Совчилар иккинчи марта келишганда мен йўқ эдим. Бу гал қалинни Намурига эмас, унинг қўшнисига олиб келишибди, лекин яна қуруқ қайтишибди.

Гахукулар саросимага тушишиб қолгани равшан эди. Макис менга, қабиладошларидан баъзилари совчилар қалинини қабул қилишга мойиллигини тушунтирди: қўшним Хуторно бундан сал олдин гама қабиласидан келин туширган эди. Макисннг ўзи Тарова ҳали ёш бўлгани учун бу таклифга бутунлай қарши эди. Эртасига қабиладошларини гамалар таклифини рад этишга кўндиришга уринди-ю уддалай олмади.

Гама одамлари учинчи марта келганларида мен Гохайякада эдим. Уларнинг келишини кутиб Гохайякада ҳеч ким ишга бормаган эди, бунинг устига Сусуроки ва Экукакуки қишлоқларидан ҳам анча одам келган эди. Қишлоқ атрофини ўраган дарахтлар орасидан эрталабки туман тўлқинсимон бўлиб тарқаларди. Мен кирган кулба ёнида ёнаётган гулхан кишига роҳат бахш этарди.

Меҳмонлар қишлоққа тўғри йўлдан анча миль нарида бўлган баландликдаги сўқмоқ йўлдан келиб, кутилмаганда кўчанинг ўртасида пайдо бўлишди. Тўсатдан пайдо бўлишнинг бошқа усулини ўйлаб топиш қийин. Чунки улар келган томонни туман қоплаб олган, туман ортида ҳар хил рангда товланаётган қуёш гоҳ барларда биллурдек, гоҳ гулларда олтиндек, сомовий осмоннинг бир парчасида акс этади. Туман орасидан чиқиб келаётган аввал жонсиз сояга ўхшар, кейин секин-аста росмана одамга айланарди.

(Давоми бор).



Англиянинг дайди цирк хиз матчиси Билли Смарт ўн ойлик боласини Бирма деган ургочи фил ихтиёрига ташлаб кетишга тез-тез мажбур бўлиб тура-ди. Бироқ Бирма ўз вазифасини ҳар доим ҳам сидқидилдан бажаравермайди. Айрим - ҳолларда у болани аллалаш ўрни-га, унинг сутли шишачасини олиб, боланинг кўз ёши тўки шига сабабчи бўлади.

Сурат «Штерн» журналидан олинган, АПН.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни маълум қиладики, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссияси Пролетар кўчаси 6-уй, 2-қават 30-хонада жойлашади. Телефонлар 33-68-57, 33-73-20.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.


# Реклама ва эълонлар

## Радио

### 6 февраль

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Корхонанинг мақсади» (ўзбекча). 18.10. Куйлардан-куйларга (ўзбекча). 19.20 Ўзбекистон радиоси эстрада оркестрининг концерти. 20.00 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. 20.30 Ёшлар учун концерт (ўзбекча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.20 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.55 «Саломатлик—туман бойлик» (ўзбекча). 22.20 Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги олдидан. Жапоқ. Шомуродов куйлайди. 22.40 Ленин ҳақида ҳикоялар. А. Исбат. «Ўртоқ Абсолют» деган очерк (ўзбекча). 23.15 Лирика кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ёшлар ижоди (ўзбекча). 19.30 «Алексей Любимов концертида» деган эшиттириш (русча). 20.00 Тожик халқ лирикаси. 20.30 Ўзбек куйлари. 21.00 «Ўзбек адабиёти классиклари». Лутфий лирикаси. Миллионлар ленинча университети.

### 7 февраль

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 8.25 Қорақалпоқ композиторларининг қўшиқлари. 9.30 Чолғу куйлари. 9.50 Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча). 10.10 «Тахнатош чироқлари» деган репортаж (ўзбекча). 11.15 «ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ КАТТА БАЙРАМИ». Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов сўзи. 11.30 Дўстлик қўшиқлари (ўзбекча). 12.45 «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (ўзбекча). 13.30 А. Козловский. «Қорақалпоқ сюитаси». 15.15 Сенимли ёзувчилар радиокутубхонаси. Ойдин. «Садағанг бўлай командир» ҳикояси асосида инсценировка (ўзбекча). 16.10 Ёшлар учун музикали соат (ўзбекча). 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 И. Иордан Скрипка ва оркестр учун концерт.

18.00 «Синалган йўлдан». Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новицкий сўзи. 18.10 И. Акбаров. «Орзу» балетидан парчалар. 19.20—Татар куйларидан концерт. 20.00—«Ўзбекистон ишчиси радиожурнали». 20.30—Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 Концерт (ўзбекча). 21.40 Сиёсий билимлар радиоуниверситети. Тарих фанлари кандидати М. Турғуновнинг «Совет жамиятининг иқтисодий асоси. Халқ хўжалигини бошқаришнинг ленинча принциплари» деган суҳбати (ўзбекча). 22.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ориф Алимаҳсумов ижросида қўшиқлар. 23.15 «Дам олиш соатида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан-куйларга (русча). 9.15 Реклама ва эълонлар. 19.00 Қўшиқлар ва рақслар (ўзбекча). 19.30 Қорақалпоқ артистларининг концерти. 20.00 Шукуҳий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар (тожикча). 20.30 Ватан ҳақида қўшиқлар (ўзбекча). 20.50 «Ҳар бир киши дарахт эксин» деган очерк (русча). 21.00 Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги (ўзбекча). 21.40 Москва Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Д. Пуччини. «Жанни Скикки» операси. 14.30 «Бригантина елканларни кўтаради». Романтик поэма (русча). 16.00 «Навоо» мақомидан парчалар.

### 6 февраль

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Телевизион янгиликлар. 18.15 Болалар учун. «Биз қандай ўйнаймиз». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Тонгги қўнғироқ». Бадиий фильм. 19.40 Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.45 Телевизион янгиликлар. 20.05 10 минут музика. 20.15 «Турмуш ва маданият». Тележурнал. 20.50 Эстрада ҳаваскорлари учун иккинчи эшиттириш. 21.30 Олимлар—пахтакорларга. 21.50 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.50 Кўрсатишлар программаси. 19.55 Телевизион янгиликлар. 20.10 Адабий театр. 21.00 Ўқувчилар учун эшиттириш. 21.30 Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидан репортаж. 22.00 «Трест операцияси». Телевизион бадиий фильм (3-серияси). 23.30 «Бақт информацион программаси. 00.15 Музикали эшиттириш. 01.00 Конькида фигурали учиш бўйича Европа биринчилиги. 04.00 Москва эшиттиришларининг охири.

### 7 февраль

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Ёшлигимиз—экранда». 18.40 Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 19.00 ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатишлар программаси. 13.00 Телевизион янгиликлар. 13.15 Болалар учун. «Табиатшуносларизалари». 13.30 Музикали спектакль саҳифалари бўйлаб. 14.45 Бадиий ҳаваскорлар концерти. 15.30 Москва кундузги эшиттиришларининг охири.

«ДЎСТЛИК» ЭКРАНИ ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ

18.00 Юқори синф ўқувчилари учун эшиттириш. 18.30 Болалар учун. «Талагай ботир». Кўғирчоқ фильм. 18.40 Қозоғистоннинг музика санъати. «Абай қўшиқлари». 19.20 Қозоғистон ССР 50 йиллиги олдидан. «Турксиб йўлларида». 19.40 Ҳафталик.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Концерт. 20.30 Шахмат альманахи. 21.00 Интервидение. Ўқувчилар учун. «Қувноқ шаҳарча». 21.30 «Жасорат». Телевизион альманах. 22.00 Қўшиқ ҳаваскорлари клуби. 23.00 Янгиликлар эстафетаси. 23.45 Интервидение. Грузия радиоси ва телевидениеси симфоник оркестрининг концерти. 00.45 Реклама. 01.00 Конькида фигурали учиш бўйича Европа биринчилиги Муз устида спорт рақслари. 03.00 Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Сув қадрига етмоқ керак». Кинофильм. 20.20 «Симфоник оркестр чолғу асбоблари» деган эшиттириш.

Рус тилида: 21.00 А. Островский. «Гирдоб». Телеспектакль. 22.30 СССР халқларининг куйлари.

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА —8/II да Аида, 9/II да Ун иккинчи тун (кундузи), Дилором (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—7/II да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—7/II да Концерт, 8/II да Жон қизлар, 9/II да Фарғона тонг отгунча.

## Кино

7 ФЕВРАЛДА

Тошдаги достон (1-2 сериялар) — ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА». «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз соат 2, кеч 6.40 минутда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 да).

Осмон учинчи қаватдан бошланади.—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1, кеч 9 да).

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.15 минутда).

Омад сўқмоқлари (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 да), Асосий далил (кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 да):—«МОСКВА».

Шифр сири— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Турли тақдирлар—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 9.45 минутда).

1969 йил 18 февраль кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг илмий совети мажлисида (Академиянинг конференц-залида, Гоголь кўчаси, 70-уй) тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Н. Очилов: «Қашқадарё ва Сурхандарё областларида маданий қурилиш (1946—1958 йиллар)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ.

Диссертация билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

А. НАВОИЙ НОМЛИ КАТТА ТЕАТРГА

театр билетларини тарқатиш бўйича вакиллар, декорация монтировкачилари (саҳна ишчилари), электр билан ёритувчилар, костюмерлар, дуредгорлар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 28-уй.

ТОШКЕНТ ЛОЙИҲА-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ

алоқа монтёрлари тайёрлайдиган курсга

ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

18 ёшга кирган ёшлар таклиф қилинади.

Ўқиш муддати—9 ой.

Машғулотлар — 1мартдан бошланади.

Қабул қилинганлар 50 сўм стипендия оладилар, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Офшан кўчаси, 48-уй (6, 23 автобусларнинг «Волгоград» бекати). Телефонлар 7-7-58-88, 77-55-67.

ТОШКЕНТ ЭКСКУРСИЯ ВА САЁҲАТ БЮРОСИ

поездлар ва самолётларда

ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ САЁҲАТЛАРИНИ УЮШТИРАДИ

13 февралдан 5 мартгача қуйидаги маршрутлар бўйича: ТОШКЕНТ—КУЙБИШЕВ—МОСКВА—КИЕВ—ОДЕССА—ХЕРСОН—СЕВАСТОПОЛЬ—ВОЛГОГРАД—ТОШКЕНТ.

20 февралдан 30 мартгача ўқувчиларнинг каникул кунларида Ленин бўлган жойлар бўйича: ТОШКЕНТ—ҚЎЗОН—УЛЬЯНОВСК—МОСКВА—ТОШКЕНТ;

22 февралдан 29 мартгача ўқувчиларнинг ЛЕНИНГРАД—КИЕВ—ВОЛГОГРАД маршрути бўйича коллектив саёҳати.

Ҳар бир шаҳарда автобусда қизиқарли экскурсиялар, диққатга сазовор жойларни кўришлар уюштирилади.

Путёвкалар—ТОШКЕНТ 61, Т. Шевченко кўчаси, 44-уйда сотилади.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади

Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш (уйлар, хоналар, мебеллар, гуллар в. б) штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттестатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

АДРЕС: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-қават.

Реклама ва эълонлар




«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Комму татор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар— 33-27-22, партия совет ва касаба союз га шкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари 33-27-57, ахборот бўлими—33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

Нашр. № 2672.
Р. 02628.